

Ҳафтада беш марта чоп этилади

[illegible]

Ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури амалда

РАЙКОМ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОНТИДА

КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган қўшма пленуми бозор муносабати билан юзага келган қийинчиликларни енгиб ўтишни муҳим омилларини белгилади. Партия ва давлатимиз амалда ошираётган тадбирларга ҳаққоний баҳо берди.


Районимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари ҳозирги мурнаб шартларда фақат омилкор, ташаббускор юртини туқур ҳис қилишарди. Сайёҳ услубдан бозор меҳнатини, Ўзбекистон ҳудудларида ўз ўнларини одамлар орасида, ҳаёт қайнаган жойда, деб билмондилар. Бир вақтлар кабинетлардан туриб, тадбирларни ўтказиш ҳақида буйруқ бердик. Қўлимиздаги рақамларга қараб, одамлар фаолиятини баҳоладик. Оқибатда партия комитетлари, оммадан узоқлашиб қолдилар. Биз бошлангич таъкилотлар, коммунистлар сўянган ҳолда оммавий-сиёсий, гоийа-тарбиявий ишларни янги ҳаёт талаблар асосида қайта қурашмиш. Муаммоларни жойида ҳал этишга одатландик.

Район аҳолиси 140 минг нафарга қийналашиб қолди. Уларнинг иқтисодий-иқтисодий талабларини қондириш, меҳнатга лавқатларини иш билан таъминлашнинг ўзи бўлмади. Ички имкониятлар аниқ ҳисоб китоб қилиниши керак. Район партия комитетининг ҳаракат дастурида энг долзарб масалалар қамраб олинган. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реализация қилиниши қўлайлаштириш, савдо, тиббиёт, алоқа хизматини жонлантириш, уй-жой, газ, сув муаммоларини ҳал этиш дастурининг асосини ташкил этди.

Ана шу муҳим ҳужжат асосида ишчил фаолият юритиб пахтачилик, бодорчилик, чорвачиликни ривожлантиришда муайян ютуқларга эришилмоқда. Ўтган йили давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган режалар барча кўрсаткичлар бўйича адо этилди. Жумхуриятимиз Президенти фармонида кура аҳолига 2.400 гектар ер ажратилди. 10.638 хонадонга қўшимча томоғча берилди. Уй қураётганларга қурилиш материаллари етказиб бериш мақсадида хайрли ишларга қўл урилмоқда. Райондаги 14 та жамоа хўжалиги ҳамда «Анор» иқтисодлашган бодорчилик давлат хўжалиги раҳбарлари билан ҳамкорликда ёғоч, тахта ҳамда бошқа материалларни кўпроқ келтириш ҳаракатида бўлаётиш. 250 гектар ерда теракзор барпо этилди. Бу борада «Коммунизм» жамоа хўжалигида илоратли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу кунгача «Хўжалик» Россия Федерациясидан 26.450 гектар ёғоч олиб келди. Жорий йилда аҳолига қўйлаб шифер сотилмоқда. Ҳозирги кунда Қувада 12 та асфальт, 6 бетон, 8 та лой, 5 оҳанг, битта микс таёрлаш, 12 дорадорлик, 5 та уйлаш пехлари ишламоқда. Ёғиш заводалари сони 13 тага етди. Ана шу кичик корхоналар ҳамда ёрдамчи хўжаликларда 1.154 киши меҳнат қилаётган.

Раҳбар ва мутахассислар иқтисодий соҳани ривожлантириш иқтисодига боғлиқ эканлигини чуқур англаб етидилар. Шу боис ҳар бир тармондан фойда олиш пайида бўлилаётган. Районда 3 йил ичида 1.700 гектар бор барпо этилди. Бу борада омилкор раҳбар, моҳир таъкилотчи Мусакон Шерубаев раислик қилаётган «Коммунизм» жамоа хўжалигида ишлатилган ишлар қилинаётган. 20 та қичи тармонда ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилган. Ёғиш заводи, бетон қоринишлар, қум цехи катта фойда келтираётган. Қайфрат янги бўлса, моддий манфаатдорлиқ таъминланса, меҳнаткаш вақт билан ҳисоблашмайди. Янги таъкилотларнинг илгари суралди. Жумладан, коммунистлар ақир ерда 700 гектарлик бозор бўлиб эгилди. У ерда фақат мева дарахт кўчатлари эгилди. Бунинг афзаллиги томонини шунданки, пахта майдонларининг қисқариши туфайли ишчилар сони кўпайди. Шу боис хўжалик раҳбарлари ижара пудратига эъри бердилар. Салкам минг оила бозорда сидқидил тер-тўқиб мева, сабазот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштиришда.



тирмоқдалар. Омилкор, ишбилармон кишилар жонбозлиги туфайли 300 гектар тут плантацияси барпо қилинган. Шу иш шарофати билан бу йил вилоятда биринчилар қатори давлатга 620 тонна қумуш тола сотилди, режа ортгани билан адо этилди.

Қувадаги яна бир қатор хўжаликларда ёрдамчи цехларини кенгайтириш, уларнинг қувватини унумли фойдаланиш борасида қўшимча тадбирлар ишга солинапти. Охунбобоев номи, «Москва», «Дмитров номи, Калинин номи хўжаликларда консерва заводлари, «Коммунизм», Энгельс номи жамоа хўжаликларда гишт заводлари тула қувад билан ишламоқда. Мазкур корхоналарда таёрланаётган материаллар аввало шу ерда ишлатилган деҳқонларга сотилади. Қўнчилик тақлифи асосида Навоий номи колхозда савдо маркази, ош атлас тўқиб цехи қурилади. Тадбирлар шарофати туфайли 500 киши иш билан таъминланди.

Район партия комитети, райиқроқум меҳнаткашлар турмуш шaroитини яхшилаш, таъминотдаги узилишларга барҳам бериш учун қўлдан келган барча ишчи қилапти. Зеро, етишмовчилик бўлмади. Анқаробода мебель фабрикаси ташкил этиб, заб иш қилган экан. Бу ерда йилга 2 миллион сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Хайрли ишчи давом эттириб, Охунбобоев номи колхозда ҳам мебель комбинатининг бўлими очилди.

Жумхурият Президенти савдодаги камчиликларни тугатиш, аҳоли эҳтиёжларини тўлақон қондириш ҳақида жиддий бозор қўйиш лозимлигини уқтириб келмоқда. Биз сабоқлардан хулоса чиқариб, тиббиёт соҳасини ҳам ривожлантириш йўлида ишончли надалар қўйилмиш. Қисқа вақт ичида 30 та фельдшерлик амбулатория пункти ҳамда қишлоқ врачлик амбулаторияси қурилиб ишга тушрилди.

Бир нарсани кишини қувонтиради: одамлар дунёқарашига, озу-интилишларига яхши томонга ўзгаришлар бўлапти. Авваллари раҳбарлар бирор тадбирни амалга оширишлари учун қайта-қайта назорат қиларди. Бирок, шунда ҳам қўнғилдагилек натижага эришилмасди. Эндиликда эса раҳбар ва мутахассислар иқтисодийнинг юксалтириш имконини берадиган хайрли ишларга ўзлари дангал қўл урмоқдалар. Рақобат қунаётганлиги ишбилармонлар сафини кенгайтирапти.

Райондаги корхона, таъкилот, муассаса ҳамда хўжаликларнинг раҳбарлари иқтисодий масалаларни ҳал этмай туриб иқтисодийнинг юксалтириш, турмуш фаровонлигини оширишга эришиб бўлмаганини яхши тушунишарди. Шу боис тадбирларни амалга оширишда изчиллик, ташаббускорлик кўрсатилмоқда. Аҳолининг ичимли сув, табиий газ билан таъминлаш муаммолари йиллар мобайнида ҳал этилмай нелаётганлиги. Юқори партия, совет таъкилотларининг амалий ёрдами туфайли 15 миллион сум турадиган сув ҳавзаси қурилиш бошланди. Бу хайрли иш иқтисодиётга етказилганда «Социализм», «Коммунизм», «Москва», «Киров номи, Дмитров номи хўжаликлар, Қува шахри аҳолиси тоза ичимлик сув билан тула таъминланади. Газлаштириш масаласига ҳам жиддий киришганмиш. Бир ярим йил мобайнида 555 ўринга 1.267 хонадон зангори оловдан баҳраманд бўлади. Биргина «Анор» давлат хўжалигидаги 200 хонадонга газ олиб кирилди. Болалар боғчаси, мактаб, клуб, магазин ва бошқа маъмурий бинолар тулиқ газлаштирилганлиги барчани хушнуд этди. Меҳнаткашларнинг кайфияти кўтарилди.

Фермерлик ҳаракати ривожланаёпти. Бу борада Навоий номи колхозда амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Уч нафар фермер хўжаликдан 100 минг сум қарз олиб ишга киришди. Натижа ёмонмас. Жумладан, Тўйчибой Қарашев 20 та қорамол парваришлайпти. Хонадон фермаси бир ойда ўрта ҳисобда 4 тонна сут тошираёпти. Ҳаёт фермерлик ҳаракати қони фойда эканлигини исботлади. Янгилик хилсизмалари кўпайиб бормоқда.

Корхона, муассаса ва таъкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларига бўлган муносабати ўзгаришти. Дон маҳсулотлари комбинати, пахта тозалаш заводи ёрдамчи хўжаликларига яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Қорамоллар, қўйлар парвариши жойида. Ишчиларга арзон нархда сут ва гишт етказиб берилапти. Қўнғина таъкилотларда 4 гектаргача ер ажратилган. Улар ҳашар йўли билан боғлар ташкил этишмоқда, ўзлари учун сабазот, полиз маҳсулотлари етиштиришмоқда.

Иқтисодий масалалар ҳусусида фикр юртлар эканмиш, ҳаракат дастурида белгиланган тадбирларнинг қарийб 70 фоизи бажаришганини таъкидлаётимиз. Яқинда районда бир ярим йил мобайнида қурилган савдо шохобчалари, маданият саройи, тиббий муассасалар, болалар боғчалари, мактаблар, корхоналарнинг цехларини тантанали суратда ишга туширдик. Охунбобоев номи колхознинг Тахтақўприк қишлоғида вилоятда ягона ҳисобланган партия, уруш ва меҳнат фахрийлари уйини табарруқ кишилар қабул қилиб олишди. Ана шу объект учун давлат томонидан 80 минг сум маблағ сарфланди.

Меҳнаткашлар тақлиф-мулоҳазалари, ишбозор олимларда. Хамиятнинг шарофати туфайли 5 хўжаликда тегиримон ишлаб турибди. Ҳашар йўли билан 50 дан ортиқ чойхона бунёд этилди. У ерлар оммавий-сиёсий ишлар марказига айланиб бормоқда. Қалинпўстин, Хонобод, Сойсугар, Анқаробод, Михчагар, Қўрғонча қишлоқларида йирик савдо марказлари иш бошлаганлиги халқимизни қувонтирди.

Район партия комитети, райиқроқум саноат корхоналари бунёд этиш, меҳнат ресурсларини оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Таъминотдаги узилишларнинг олди олинаёпти. Ҳозирги кунда механика заводи, қандоқчилик фабрикаси, тикувчилик фабрикасининг бўлими, «Микон» заводи қурилиш ишсига етмоқда. Ана шу корхоналар ишга тушганда 4 мингга яқин киши иш билан таъминланади. Районимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари шу масъулиятли кунларда омилкорлик, ташаббускорлик кўрсатишга ҳаракат қилишарди. Улар камчиликларни яхши билишарди. Бутун диққат-этибор ички имкониятлардан унумли фойдаланиб, бозор муносабати билан юзага келган қийинчиликларни қисқа вақт ичида бартараф этиш. 1991 йил режаларини муваффақиятли бажаришга қаратилмоқда.

М. НОСИРОВ, Ўзбекистон Компартияси Қува район комитетининг биринчи котиби, район Кенгаши раиси.



Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари маҳаллий Советларга сайловлар чоғида номзодларнинг сайловолди фаолият тадбирларида ўз ҳудудларидаги қишлоқларнинг, жамоа хўжаликларининг, корхона, таъкилот, муассасаларини газлаштириш банди ҳам бўлган. Ҳўш, ана шу ваъдалар қандай бажарилапти? У ҳақда сайловчилар фикри қандай?

А. ТИЛОВОДИЕВА — Наманган район Миришкор қишлоқ Кенгаши раисининг муовини:

Депутат аввало ваъдаси-

жумхурият Олий Кенгашига сайловлар районда, айниқса бизнинг округимизда, ниҳоятда бахсли ўтди. Қўрсатилган 5 номзоддан вилоят газлаштириш бошқармаси бошлиғи З. Тожибоев энг кўп овоз олиб депутатликка сайланди. У амалда ўзининг берган ваъдасини баҳоли-қудрат, босқичма-босқич бажараяпти. Бунга сайловдан бўён ўтган даврда қилинган ишлар мисолдир.

Жамоа хўжалигимиз ҳудуддаги қишлоқлар тобора обод ва қўрқамлашяпти. 2 та 360 ўринли мактаб, 300 ўринли қишлоқ клуби қад ростлади. 5 километр узун-

Самарқанд вилоятининг Қўшработ районида қарашли Свердлов номи давлат хўжалиги соҳибдорлари бу йил 576 гектар майдондаги тоқзорнинг ҳар гектаридан 90 центнердан ҳосил олишга азму қарор қилишган. Хўжаликнинг Ойтуғма Мамадалиева бошлиқ оилавий эвенала ҳосилдорлигини гектар бошига 100 центнерга етказиш учун қатъий кураш олиб бормоқда. Хўжаликда бундай оилавий эвеналар қўнчилигини ташкил этади.

СУРАТДА: пешқадам эвенала бошлиғи Ойтуғма Мамадалиева.

К. ТУРСУНОВ олган сурат.

ТАЪМИРЛАШ БОШЛАНДИ

Гулистон уйсузлик комбинатига таъмирлаш ишлари бошланди. Бу ерда, энг аввало конвейер линиялари, металл қопқалар таъмирлаштирилди. Ишларнинг ҳаммаси хўжалик усулида амалга оширилмоқда. Таъмирлаш ишларида Ўзбекистон ССР Қурилиш вазирлиги механизациялаш бошқармаси, Тошкент шаҳридаги бир қанча лойиҳа илмгоҳларининг жамоалари қатнашмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа муҳим ушчасини — бетон қорини узеида ҳам таъмирлаш ишлари олиб бормоқда. Гулистон уйсузлик комбинатига таъмирлаш ишлари тугатиш билан ишлаб чиқарилаётган блоклар сифати анча яхшиланади.

Гулистон.

ЎЗ МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН

Газчилар ва нефтьчилар шахри Ғузорда 280 ўринли болалар боғчасини «қуриш билан дастлабки даҳани бунёд этиш ишлари бошланди. Маҳаллий маъмурият қурилиш учун 14 гектар ер ажратилди. Бу ерда беш минг киши шинам уй-жойларга эга бўлади.

«Шўртонгаз» бош ишлаб чиқариш бошқармасининг газчилари ана шу бунёд этилаётган даҳанинг эгала-ри бўлишарди. Улар ўз пуллари ҳисобидан ва ўз кучлари билан хоналари яхши режалаштирилган ва иқтисодий-маданий иншоотлари бўлган қўл қаватли уйларни тиклаб оладилар.

Шўртон газчилари қурилишда катта тажриба тўплашарди. Масалан, улар Қаршида 7-турар-жой даҳанини бунёд этишмоқда. Лойдан ясалган Ғўнгон қишлоғи ўрнида замонавий уйлар қад қурилади.

— Ғузордаги даҳа бетакор қиёфага эга бўлади, — дейди СССР халқ депутати, район партия комитетининг биринчи котиби Т. Омонов. — Қўп қаватли уйлар қўнғина шаҳар қиёфасини ўзгартириб қолмай, уй-жой муаммоларини ҳал этишга ҳам ёрдам беради.

А. ҚОРАБОВЕВ.

ЧЎЛДА ЧИРОҚ ЁҚҚАН

Саратон қўёши олов пуркади. Ҳарорат ниҳоятда баланд бўлганда киши кўз ўнгини қамраб олади. Ана шундай кезларда далада ишлашнинг ўзи бўлмастгидек равшан. Заршуносларга ҳавас билан кўз югуртираман. Табиат ниҳикликлари туфайли қўшимча қийинчиликлар юзага келган бўлсада, биротунлари нолишмайди. Ҳамма кўз иши билан банд. Ўзбек, қирғиз, туркман, қозоқ, қўнғиқ, ўнға яқин миллат вакиллари қўлни қўлга бериб, бегона далаларда ғўза парваришлаймоқда.

— Қаторда норинг бўлса, кўнги ерда қолмайди, — дейди Бобоев райондаги Пушкин номи давлат хўжалиги пахтакори Ётамберди Эркинпўтов. — Ҳамжиятлик, меҳру оқибат бор жойда қийинчиликлар пайсид эмас. Одамларимизнинг баҳоси йўқ. Йиллар мобайнида ўз садоқатларини амалда намойиш этишмоқда. Уларни ҳақиқий пахтапарварлар, деб атагим келади.

Ётамбердиннинг дил сўзлари дала шийпонидидаги суҳбатнинг қизилинга туртки бўлди. Бу азамат бошқараётган 8-бўлим деҳқонлари сел, жаладан энг катта зарар кўрдилар. Бўлимнинг

қарийб 400 гектар майдондаги экинни сув остида қолди. Курбон Алимов, Қўнқор Шодмонқулов, Сулаймон Хайдаров, Нарзулла Шералиев бошлиқ бригада-лардаги шароит айниқса, таъкили эди. Оғир шароитда кимнинг ким эканлиги ақлоқ билинади. Дўстлик куч-қудратини намоён этди. Уч кун ичида деҳқонлар ақл бовар қилмайдиган даражада иш бажардилар.

— Азизлар, — дея фикрини ифодалади кеса заршунос Бобоев Шодқулов. — Инсондаги хислатларининг энг кучлиси, табаррути — дўстлик тугйусидир. Ўзим Тожикистоннинг Сурхоб қишлоғидан келиб, мазкур хўжаликка асос солганлардан бириман. Ўша кезлардаги қийинчиликлар ҳолирсини олдида ҳеч нарсамас. Маънавий қишларни ас-ласам юртим орақта тортади. Дастлабки кезлар ян-тоқдан бошқа гиҳини кўр-мадик. Тоғдан қирғизлар, кум барханагарини ошди туркман оғалар кейин қозоқ биродарларимиз келиди. Ана шу кўз илгасмас негизларда пахтазорлар, боғ-роғлар яратган беш оғани халқ фарзандларидир.

Кейинчалик қаторимизга руслар, арманлар, татарлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари келиб қўшилди. Атрофда бир қаранг, қувончли ўзгаришларни кўриб дил яйрайди.

Орага сукунат чўқди. Ҳамма отахонининг фикрларини мулоҳаза қилаётган. Совхоз директори Садулла Абдуқодиров суҳбатни давом эттирди: — Ота ҳақ гапни айтди-лар. Ҳозир бир сония босиб ўтилган йўлга ҳаёлан назар ташлайман. Агар яқинд бўлиб меҳнат қилмаганимизда мақсадга эришолмасдик. Партия, касабая уюшмаси қўмтаси ишчи ва хизматчиларни байналмилал руҳда тарбиялаш, уларнинг меҳнатини юксак надрлаш, илорлар таърибасини оммалаштиришга катта эътибор берапти. Иқтисодий манфаатдорлик таъминланмоқда. Бозор қийинчиликларини омилкорлик билан енгиб ўтаётимиз.

Ёллим пахтакорларига бир-бир назар ташлайман. Чинданам нородали, эътиқодли кишилар улар. Ёзлари ҳақида деярли гапиршмайди. Шу ўринда бир мисол келтирсам. Май ойининг ўрталарида қучли жала қўйди. Ишлашга қурби етган киши далага отланди. Паёқаларда лой, сув кечиб оқавани заҳ арнақларга бўриб юбо-

ришга эришилди. Акс ҳолда, ғўзалар сув остида қоларди. Кексалар тажрибаси, ёшлар шижоати қўл келди.

Хўжаликда қозоқ йигити Ганикун Қайсаров алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Таъкилотчи, талабчан мутахассис. Бир сўмин қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши билиди. Таъкидлашчи, ёғингарчилик оқибатида қурилган талофот сезиларли экан. Аҳмад Бобоевнинг бошлиқ бўлишда 82 гектар, Умар Пиримқулов бўлишда 125 гектар, Собир Жўраев бош бўлган бўлишда эса 159 гектар ғўзалар жиддий иш-настланди. Бир ярим минг гектар пахта майдонига қайта чигит экиш, нимсон ғўзаларни ривожлантириб олиш учун қарийб уч баравар қўшимча куч ва маблағ сарфлашга тўғри келди. Помидор, қарам, лавлаг, ошқовоқ экилган пайкалларни сел ювиб кетди. Салкам ярим миллион сум зарар кўрилди.

Бош агроном Урол Дўсеновнинг суҳбатта тортидм. Фикрини лўнда ифодалади:

— Вақтида яқинд ҳаракат қилиди. Ялли сафарбарлик таъминланганлиги муш-луқли осон қилиди. Акс ҳолда қурилган зарар салмоғи катта бўларди. Шунда ҳам техника, ўғит, ёғилди, уруғ-лик нархлари 2—3 баравар ошганлиги деҳқоннинг тин-касини қуритмоқда. Меди ота Муродовни совхоздагилар Туркман бобо

Усмон Юсулов райондаги Ульинов номи давлат хўжалигида тўрта ижарачи бригадига жалладан мўл-қўл ҳосил етиштирилди. Айни вақтда 450 гектар ерда ишчи етилган жалладан неснубуд қилмай йиғиштириб олшга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир комбайнчи мавсумда камида 150 гектар майдондаги донни ўриб янчи беришга сўз беришган. Ёлалкорлар 20 центнер ўрнига 27—30 центнердан хирмон кўтаришарди.

СУРАТЛАРДА: 1. Илгор комбайнчи Т. Худойқулов. 2. Сомонини принцпта юклаш пайти.

Ш. ШАРОПОВ олган суратлар. (ЎЗАТАГ).



АРТЕККА—
ДАМ ОЛИШГА

Жигаристонлик болалар Бутунитифок болалар маркази — «Артекка» йўлдан-йўлга олинган дастлабки гуа-гуа—табиғий оғиратди жабрланган райондаги эллик йил ва қиз 3 тоғли кунин Қора денгиз соҳилига жўнаб кетди. Сафар харажатларини ҳафтада йўлдамаларни расмийлаштиришга кетадиган барча ташкилотларнинг ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитети билан Ўзбекистон пионер ташкилоти жумхурият Кенгаши ўз зиммасига олди.

— Фожия рўй берган кунларда СССР болалар ташкилотлари федерациясига мурожаат этиб, ёз фаслида жигаристонлик болаларини Бутунитифок шифохонасига қабул қилишни, болаларни рўй берган фалокатдан бироқ бўлсада қалитиш мақсадида, улар учун Қора денгиз соҳили бўйлаб қизқарган савдотлар ташкил этишни сўраган эдик, — дейди Ўзбекистон пионер ташкилоти жумхурият Кенгашининг раиси Майя Абдухатирова Раҳимбердиева. — Москвада бизнинг илтимосимизга шу заҳотида эътибор беришди, мактаб ёшидаги жигаристонликларнинг ҳаммасини амалда «Артек» болалар марказига йўлдамалар билан таъминлашди.

Орадан бироз ўтгач, жигаристонлик болаларининг яна бир гуруҳи ўз юрдошларини ёнган қўйишди. Улар яқинида дам олишди, даволашди, тенгдошлари. «Болалар сайёрамизда тинчлик учун курашда» халқаро ёшлар харажатларини фаоллари билан мулоқотда бўлишди.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,
(ЎзТАГ мухбири).



БАХШИСИ БОР ЮРТ

Хива район комсомол қўмитаси қошидаги «Достон» фольклор-этнографик дастаси бир неча йилдан буён шарқ халқларининг достонлари ва қўшиқларини кенг тарғиб қилмоқда.

Дастанинг бадий раҳбари Н. АБДУЛЛАЕВ бизга қуйдагиларни хикоя қилиб берди.

— Дадамиз Бола бахши достончилик мактабини яратганини қўлар билан билишди. Хоразм достонларини тиклаш мақсадида вилоят телестудиясида хайрли ишга қўл уришди: ҳужжатли фильм яратилди. Лекин йўқолиб бораётган халқ қўшиқларини ва достонларини тиклаш осон иш эмас. Дастаниз санъаткорлари ана шу ноёб хаёлини қайта «таъмирлаш»ни ўз олдига мақсад қилиб қўйдилар.

Бизга йўлдош бўлаётган устозлар бор. Хаврили ишга дастлаб отам Бола бахши Абдуллаев бош қўшди. Шу тариқа репертуаримиз юзага кела бошлади. «Хирмонда», «Возиргони», «Ошиқ

Ғариб ва Шоҳсанам», «Ошиқ Махмуд» сингари халқ достонлари қайта тикланди. Достонларнинг тарбиявий аҳамияти ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Уларда мардлик, садоқат, чин севги гоёлари уфуриб турибди. Масалан, Хирмондаги Ғуралийнинг тарбията тақрири, унинг қўполлигини ҳаққоний таъкид қилгани. Хирмондаги қиз бола бўлса ҳам Ғурулийни беллашувга чалқиради. Ана шу хатни етказувчи кампир шундай қўшиқ икром қилади:

Қўлимда берган хатлари,
Тағимда бедов отлари.
Ўзи билан йигитлари,
Одоб билан галсин деди.
Сатрлардан Хирмондали-

нинг забардаст шоира, сўз устаси эканлиги аён бўлади. Айтишувда қиз енгади. Халқ достонларидаги бу образли ифодалар, келажак ҳақидаги ораулар янги ҳаёт қуриш йўлида юртдошларимизга ҳаммиса қанот бўлиб қолади.

Санъатга ёшлигимдан меҳрим тушган. 5—6 ёшлигимдаёқ доира чалиш, шеър ёд олиш, қўшиқ куйлашга ўраганман.

1988—89 йиллари «Ўзбектеатрфильм» уюшмаси «Хивача ажрим» фильмининг яратган эди. Унда дастаниз аъзоларида Ражаббой ота Давлатов, Салой ота Машрапов, Юсуббой Олла-

берганов, Берди Шерматов, Даврон Машрапов, халфа Роҳатой Хўжаниёзова ва бошқалар мусиқий кўрсатувда қатнашганлар.

Санъаткорларимиз 100—150 йил олдин одатланган кийим-кечақларда саҳнага чиқишпти. Хива музейларида ана шундай либосларнинг айрим намуналари сақланмоқда. Биз бу намуналар асосида даста учун қадимги достонларнинг қаҳрамонларига мос либослар тайёрладик ва уларни кўйлатишга муваффақ бўлдик.

Даста тарихига мурожаат этадиган бўлсак, у 1986 йилдан фаолият кўрсата бошлади. 1987 йили ўтказилган таловда фахрлий ўринни олди. 1988 йили Москвада Бутунитифок бахши-достончилик танловидида, Украинада ўтказилган «Олтин куз» фестивалида, Озарбайжонда (1989) Ўрта Осиё ва Кавказ орти жумхуриятларининг достон ва бахшичилик икромчи-

ларининг фестивалида юқори ўринни эгаллади. 1988 йилдан Достон, 1989 йилдан Озарбайжон достончилари жамиятининг ҳакамлари аъзосидан.

Муаммоларимиз кўп. Дастаниз жойлашган тарихий обиди ҳароб ҳолда. Қомил ота, Во-вақ ота, Бола бахши меросини урганиш, даста жойлашган тарихий обидани «таъмирлаш»га пайти келди.

«Достон» дастаси аъзолари Хиндистонда, Қашқадарь, Фарғона вилоятларида, қўшни Туркменистонда ҳам ўз санъатларини намойиш этиб келишмоқда.

Хоразм санъатининг ўзига хосликлари, жиловлари қўшиқ ва рақсларда акс этади. Қадимги ўйин ва рақсларни ўрганиш ҳам осон эмас. Бунинг учун жуда кўп изланишлар қилилган. «Қўш пишғи» ўйинини икром этиш учун унинг нимасини адирдаги аjoyиб қилқиларини қўзатиш лозим. «Пақа-пақ» ўйинини икром этиш учун семимли ўйинчи даста Давлат пақа-пақнинг санъатини чуқур ўзлаштириш ва уни тақомиллаштириш зарур. Машхур ўйинчининг ўли Ражаббой Давлатов ана шундай масъуляти ишни ундаётган.

Хуллас, бахшиси бор юртининг санъати баравар бўлади. Хоразм достонларини икром этиш ҳар бир санъаткордан кунт, маҳорат, чуқур изланиш ва тоқирликни талаб этади. Зеро, фольклор жанрига хос ўйноқлик, авжига чиқиш ва об-разга кириш кўп нарсани биллиш ва тушунишга бог-лиқ бўлади.

Сухбатдош:
М. СУЛАЙМОНОВ

МАДАНИЯТ ЖАБҲАСИДА

Ўзбекистон адабий мероси билан ошно бўлаётган хорижий муштарийлар давраси кенгайиб бормоқда. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романининг Хитойда чиқарилиши шундан далолат беради.

Мазкур асар икки таржима-монинг сазй-ҳаракатлари туфайли ўқувчилар кулига бориб етди. Доцент Лю Финжан ўзбек-уйғур маданиятининг ўзаро таъсирини анчадан бери қизиқиб ўрганмоқда. Олим нафақат тарихий алоқалар билан, айни вақтда совет даври адабиети, жумладан қатлиом этиланган ёзувчиларнинг ижоди билан ҳам шуғулланмоқда. Бошқа таржимон Хао Гуанжун гарчи кўпроқ халқ ора-сига ижоди билан шуғулланса-да, ҳаммасининг бу интиқилларига ҳамқор бўлиш у ўз халқи орасида «Ханчадан на адолат марчаси» бўлиб таъинланган Абдулла Қодирийнинг романи билан Хитой ўқувчиларини таништириш учун ғайрат билан ишга киришди. Даров-ле у бунга қадар Навоий, Лўтфий ғазалларини таржимна қилиб, халқ хурмати-ни қозongan эди.

Аброр Хидоятлов номли театрда саҳналаштирилган асарлар ёнган Агати Кристи пьесаси асосида қўйилган «Қонқон» спектакли ҳам қўш-лиқ. Уни ёзувчи Хожинабар Шайхон ўзбек тилига ўғирди. Режиссёр Александр Гамбаров асарнинг жозибаси, қизиқарлигини сақлаб қолган муваффақ бўлди. Асосий ролларни Д. Бо-бохонова, Х. Арслонов, Н. Тохенова, М. Абдуллаева, М. Тетабоев, Н. Аля-

мов каби артистлар икром этишмоқда. Саҳна А. Батиков безатган.

Еш ўзбек кинематографиячиси Зулфидор Мусаконининг «Абдуллажон» деб аталган картинаси америкалик буюк режиссёр, фантаст Стивен Спилбергга бағишланган. Еш ижодкор ўзининг бу асари билан жаҳон экранини устасининг истеъдодида ҳурмат бажо келтирди. Фильм сценарийсини З. Мусакон драматург Рихсидой Мухаммаджонов билан биргаликда ёзди. Натигада ўзга сайёрадан келган бола-ни ўғил қилиб олган қол-хозчи Абдуллажон (унинг ролини артист Мурод Ража-нов икром этади) тўғрисида қизқарди ҳикоя вузудга келди. Ушбу фантастик комедияни оператор Талъат Мансуров суратга олди.

Беруний номидаги Тошкент Давлат техник дор-фунушнинг Андижон бўли-мида политехника факультети очилди. Унинг асосий вазифаси машинасозлик ҳа-да металл қувиш ва уну пайвандлаш технологияси бў-йича мутахассислар тайёр-лашдир.

Бу ерда умуминсоний ва техникавий фанлар бўйича урта кафедралар ташкил этилди. Талабаларни ўзбек ва рус тилларида ўқитиш кўзда тутилган. Факультетда кун-дуги ва кечки бўлимга талабалар қабул қилиш бош-ланди. Яқин орада дархона-ларга янги мутахассисларни эгаллашга аҳд қилган бир юз етмиш беш нафар йигит ва қиз қириб келди.

(ЎзТАГ).

СОЧИ ШАХРИНИНГ

Яқин вақт ичида курорт шаҳри — Сочи негизда Россиянинг махсус экологик-иқтисодий районини тузиш-га қарор қилинди. «Черно-морская здравница» ўлка рўзномаси РСФСР Вазир-лар Кенгашининг шу ҳақда қабул этган қарорини босиб чиқарди.

Ушбу хужжатга мувофиқ шаҳар ўз ҳуқуқий мақомини ўзгартирди ва россиялик-ларнинг Қора денгиз соҳи-лида даволашни ва дам олиш мақсадида бўлиб қолмай, айни вақтда Батайимиз саё-ҳатчилари ва халқаро саё-

МАҚОМИ УЗГАРАДИ

ҳатчиларнинг марказига ҳам айланади. Шу муносабат билан курорт шаҳри муста-қиллигини кенгайтириш юзасидан жуда катта дас-турни амалга ошириш ре-жалаштирилган. Ҳозир дав-лат мулкчи ҳисобланган бар-ча санаторий-курортлар ҳам-да бошқа муассасалар ма-ҳаллий мулкка айланади.

Курорт шаҳрини ривож-лантиришга Россия жумҳу-рияси, ўлкалар ва вилоятлар жалб этилади, хорижий сар-моёлардан фойдаланилади.



Аҳоли қайфияти кўп жи-ҳатдан озиқ-овқат дўконла-ринингнинг рўқни бўлишига боглиқ. Қўқон гўшт комби-нати қошида хилма-хил маҳ-сулотлар тайёрланган дех очилди. Шаҳар марказида аса ана шу бўлимага ишлаб чиқарган неъматлар билан

савдо қиладиган махсус дў-кон ишга туширилади.

СУРАТДА: янги дўконда савдо пайти.

Ш. АЛИМОВ
олган сурат.

Мухаррир
Н. ЕҚУБОВ.

МУҚАДДАС ГҲША

Ҳар бир боланинг қалби ўзига хос дунёдир. Лекин бунинг айтиш билан тийран ту-шуниш, англаш ўртасида катта фарқ бор. Бола юра-гини ҳис қилмоқ учун, худ-ди ўшанди поэзия, самимий ва соддалик бўлиш керак. Шундангина у билан нозик руҳий муносабат ўрнатиш, кўнглида нима борлигини се-зиш мумкин. Шундай ин-сонгина уни тарбиялашга қодир.

Болалик-бегуборлик. Ин-сон ҳаёти ана шу сарҳад-лардан бошланади. Шунинг учун ҳам болалик қандай ўтди, унга кимлар раҳнамо-лик қилди, атрофидаги олам-дан унинг юрғатига нима-лар тушди? Бугунги кичкин-тойлар камолда ҳам ана шунлар ҳал қилувчи аҳамия-етга эгадир.

«Болалик ҳар кунини кашф қилишдир, — дейди улуғ пе-дагог Сухомлинский. — Ав-валамбор, бу кашф инсон билан Батайини тушунишдан иборат бўлсин. Инсоннинг чинакам гўзаллиги Батайининг буюклиги ва тенги йўқ чиройини болалик давридан идрок этиб, юракдан ҳис этишдир».

Болалар қалбиди бутун эканлидан эъгулган уруғи бе-ш-ўн йилдан кейин ўсиб чи-қиши мўъаррабдир. Бунда биз педагогларнинг ҳам улу-ғимиз бор. Аммо фақат мак-таб таълим-тарбияси, назаримда, ёш инсон камолоти-да камлик қилади.

Батайин бир ота-оналар бор-ки, фарзандларининг тарби-ясида иккинчи даражали иш сифатида қарайдилар. Бола-нинг содда, самимий дунё-

си ва меҳрини қондиришда биргина онанинг ўрнини ў-на-лаб, ҳатто юзлаб тарбия масканлари босолмайди. Она шунинг учун онадирки, унинг қудратли меҳр-муҳаб-бат, қўшдан-да порлоқ юраги фарзандининг кеҳисиз ҳис-туғйулларини эъгулган ва олижаноблик томон етак-лайди.

Бугун мана шу муътабар инсоннинг беҳад бандлиги, оиладан, болалар давраси-дан узоқлашгани бизнинг маънавий йўқолишларимизга сабаб бўлмоқда. Ота-онаси кун бўйи ишда бўлган бола тарбиясининг оғир кечиси ҳеч кимга сир эмас. Ишдан қарачи келган ота-она фар-зандининг кун бўйи нима

олдида ҳам оналигини унут-маслиги даркор. Унинг учун оналик уновидан улғурқо-ва шарофатроқ яна қандай шухрат бўлиши мумкин? Бугунги аёл учун эса етишмаётган нарсаси фақат вақтдир. Назаримда оналар-миз, момоларимиз берган эъгу панд-насихатлари, меҳр-муҳаббатни биз фар-зандларимизга етказолмай-миз. Уларга узун кечалар эртақлар, аллалар ай-тиш ўрнига «ола бўжи»лар билан қўриқиб ухлатамиз-у, ўзимиз кун бўйи чала қол-ган ишларга шўнғиймиз. Жондан ширин болажонлар-мизни бебаҳо хазиналаримиздан баҳра қилиб воғта етказайлик. Боболаримиз—

да тарбиясидаги бир ёқла-малик ҳам бутун ўз таъби-рини кўрсатмоқда. 15—16 ёшлик болаларнинг нопок йўлга юриши, тулпа-тузуқ оналарда воғта етган фар-зандларнинг жиноят қили-ши, балогат ёшига етмаган қизалоқларимизнинг беҳаё қилиқлари — ҳамма-ҳамма-сининг туб илдири бориб онанинг бандлигида, она-дан узоқлашувига тақалади.

Бола тарбияси ўлда-жўл-да бўлган жамият истибдо-ли бўлмайди. Чунки жамия-тининг иқтисодий, иқтисо-дий тараққиётининг келажак-и ёш авлоднинг қўлидадир.

Хисоб-китобларга кўра, СССРда ҳар йили оналар-нинг касаллиги туфайли 168 миллион одам кунин йўқоти-лар экан. Касаллик варақа-ларига-ку қанча пул тўлана-ди. Майли булар ўз йўлига. Аммо оғир жисмоний меҳ-нат натижасида оналаримиз-дан заиф болалар дунёга келмоқда. Улар аёлларимиз-нинг рўзгор тебратиш учун ночор ишларини сабабли касалманд бўлиб ўсмоқда-лар. Бундай болалар эса ўз-ўзидан қобилиятсизлар-лар.

Бугун азиз опа-сингилла-римизга ҳаётимиз давомчи-лари, жажжи фарзандлари-миз тарбиясига эътибор бе-райлик, деймиз. Тарбия эса онадан бошланади. Она онанинг меҳр-муҳаббати, сар-ванжом-сарипатлиги, оқила ва фозиллигининг мунча-дас гўшасидир. Бу гўша ҳа-миша покиза ва осойишта бўлмоғи керак.

Зухра ҲОТАМОВА,
педагог.

Оила тарбияси

қилгани билан қизиқмайди. Сўраб-суриштирганда ҳам бола тўғрисида айтмайди. Чунки уйга меҳмон сифа-тида келиб кетувчи она-па-ноҳлари билан болалар ўр-тасида кўринмас тўсиқ пай-до бўлади.

Педагогик фаолиятим да-вомида шунга амин бўлдим-ки, оналари ишлаётган бо-лалар кўпчина яхши ўқи-майдилар. Батайин ота-она-си «казо-казо» жойларда ишлаётган болалар макта-бга кир-чи кетадилар, дарс-лардан яхши ўзлаштирмай-дилар. Бундай болаларга қа-раб ачиниб кетаман. Улар-ни мен маънавий мадания-тимизнинг инқирои, деб биламан.

Мен учун аёлларнинг она-лиги қадрийдир. Болалик аёл ҳар қандай оғир юмуш

Алишер Навоий, Мирзо Во-бур, Улғўбек, Абу Али ибн Сино, Фиробий ҳақида улар-га ўлмас хотиралар айтиб фикрларини чакрайлик. Ўз-лик аввало онанинг фар-зандига муносабатда юза-га келади, кутрак ёзади, гуллаб, камолотга етади.

Ҳазрат Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асариди «Ҳар бир иродали одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади», деб ёзган эди-лар. Рўзгор юмушларининг ўзи аёлни ҳолдан тойдир-ади. Она уй ишларини ба-жариш учун кунига 12—14 километр масофани босар экан.

Инсоннинг табиати қизик, у атрофидан камчиликлар-ни ўз вақтида кўрмайди. Кўрса ҳам тан олмайди. Бо-

Бу ҳолда уларга сўнги иш жойидан ойлнк маоши ҳаж-мида етишадиган тўланади. Шунингдек бевосита олий ўқув юртини битирган йилдаёқ аспирантурага киратган ёш мутахассислар олий ўқув юрти илмий кенгашининг тавсияномаси мавжуд бўлган тақдирдагина танловда иш-тирок этишга қўйиладилар.

Аспирантурага кирувчилар бирга ишлаш эҳтимоли кўзда тутилаётган илмий раҳбар билан олдиндан албат-та суҳбатдан ўтишлари шарт.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги ариза олий билимгоҳ ректори номига ёзилади ва унга қуйдаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: олий ўқув юртини би-тирганлиги тўғрисидаги дипломнинг нотариус тасдиқла-ган нусхаси, синов қайдонмасидан кўчирма, иш жойидан тавсифнома-таъсиянома, таржиман ҳол, кадрларни ҳи-собга олиш бўйича шахсий варақа (8×9 см. ўлчамли 1 дона ва 3×4 см. ўлчамли 2 дона фотосурат билан), эълон қилинган илмий ишлари, кашфийлар рўйхати ва илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоблар. Эълон қилинган илмий ишлари бўлмаган шахслар танлаган соҳа-си бўйича рефератлар (илмий маърузалар) ёзиб топ-шириладилар; ихтисоси бўйича амалий меҳнат фаолияти тўғрисидаги ҳужжат (меҳнат дафтарчасидан иш жойида тасдиқланган кўчирма), ойлнк маоши тўғрисида маълум-отнома.

Аспирантурага кириш имтиҳонларини топширишга қўйилган шахсларга имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ва уларни топшириш учун иш жойидан ойлнк маоши сақланган ҳолда 30 календарь кунга ҳажмида таътил бе-рилади.

Аспирантурага кирувчилар 1991 йилнинг 20 ноябри-дан 20 декабригача фалсафа, чет тилларнинг бирдан (инглиз, немис, француз) ва махсус фандан олий ўқув юртида учун амалдаги дастур ҳажмида танловдан кириш имтиҳонларини топширадилар.

АРИЗАЛАР 1991 ЙИЛ 1 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, ГСП, Қори Нидёзов кў-часи, 39-уй, аспирантура бўлими.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ МАЖМУИНИ БОШҚАРИШ ЖУМҲУРИЯТ ОЛИЙ МАКТАБИ ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ ҚОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН МЕНЕДЖЕРЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ

Ўқитиш дастурига бозор иқтисодиётига ўтти ва иқти-содиётини барқарорлаштириш концепциялари, мулкчилик ва ер ислоти ҳақида мулкчи таъсирф қилиш муаммо-лари, акционерлик жамиятининг тузиш, тадбиркорлик, кооперативлар, кичик қорхоналар, хусусий қорхоналар ва кооперативлар ассоциацияларини тузиш, фермерлик хўжаликларини ташкил қилиш, маркетинг ва таъши иқ-тисодий алоқаларини ташкил қилиш, деҳқончилик-саноат комплекси тармоқларида келгусидаги илмий-техникавий ривожланиш, бириқлар тўғрисидаги маърузалар ва ама-лий ишлар киритилиши.

Бундан ташқари, бошқариш, ҳуқуқ ижтимоёт ва психология асослари ва муаммоларини ўқитишга катта эътибор берилиб, у замонавий усулларда олиб борилади. Худди шундай, инглиз тили ва компьютерлардан фойда-ланишни ўргатиш жадаллаштирилган усулда олиб бори-лади.

Курсга қабул қилинган ўқувчилар ўқитиш давомида иттифоқчиликнинг илгор ўқув марказларида стажиров-када бўладилар, мамлакатимиздаги ва хориждан келган етакчи олимлар ҳамда бизнесменлар билан учрашадилар.

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масул котиб — 33-09-93, 32-56-26, Масул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуш бўлими — 33-54-33, 32-56-36, Ахборот ва

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»

(«Сельская правда») Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

32-56-22. Совет қурилиш бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиш бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36, Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хетлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Базитиш бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.